

INNOVATION IMPLEMENTATION STRATEGY IN STRATEGIC MANAGEMENT ACCOUNTING SYSTEMS*Rasulov Sherzod Sharof ogli**Lecturer, Jizzakh State Pedagogical Institute**Tursunov Erali Saidakhmad ogli**Student, Jizzakh State Pedagogical Institute*

Abstract: This article discusses the main directions of implementing innovations in strategic management accounting systems and their impact on the efficiency of organizational activities. Integrating innovations into management accounting contributes to enhancing the competitiveness of enterprises, ensuring the efficient use of resources, and supporting long-term development strategies. The paper proposes recommendations for improving strategic decision-making processes through the introduction of modern information technologies, automated accounting systems, and analytical tools. Furthermore, national and international practices are analyzed, focusing on key challenges in implementing innovations and possible solutions.

Keywords: strategic management accounting, innovation, competitiveness, information technology, automated system, analytical tools, long-term development, international practice.

СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ СТРАТЕГИЯСИ*Расулов Шерзод Шароф ўғли**ЖизПИ, ўқитувчиси**Турсунов Эрали Саидахмад ўғли**ЖизПИ, талабаси*

Аннотация: Ушбу мақолада стратегик бошқарув ҳисоби тизимида инновацияларни жорий этишнинг асосий йўналишлари ва уларнинг ташкилот фаолияти самарадорлигига таъсири ёритиб берилди. Инновацияларни бошқарув ҳисобига интеграция қилиш корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Мақолада замонавий ахборот технологиялари, автоматлаштирилган ҳисоб тизимлари ва таҳлил воситаларини жорий этиш орқали стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилади. Шунингдек, миллий ва халқаро тажрибалар таҳлил қилиниб, инновацияларни жорий этишда учрайдиган асосий муаммолар ва уларнинг ечимлари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: стратегик бошқарув ҳисоби, инновация, рақобатбардошлик, ахборот технологиялари, автоматлаштирилган тизим, таҳлил воситалари, узоқ муддатли ривожланиш, халқаро тажриба.

Иқтисодий модернизициялаш шароитида стратегик бошқарув ҳисоби тизими нафақат маълумот тақдим қилувчи тизим, балки тезкор ва муҳим билимларни яратувчи тизим сифатида қўрилиши лозим. Чунки бизнес ривожланишининг муайян босқичидан бошлаб стратегик бошқарув ҳисобининг ахборот таъминоти мазмуни мураккаброқ вазифаларни ҳал қилиши талаб қилинади. Замонавий шароитда танланган стратегиянинг нақадар самарали эканлиги бизнеснинг ички ва ташқи муҳитлар ўзгаришлари борасидаги билимларни ҳисобга олган ҳолда узлуксиз ва динамик тарзда ривожланишини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. Стратегик бошқарув назариясида бундай қараш янги стратегия билими ва билимларни бошқариш стратегияси концепцияларида ўз аксини топган.

Янги стратегия билими концепцияси хўжалик юритувчи субъектда бошқарув стратегиясининг шаклланиши ва тадбиқ қилиниши уларда вужудга келган корпоратив интизом ва анъаналар тизими, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг имкониятлари, хавф-хатарлар ҳамда аниқ ва ноаниқ ресурсларига таянишини ифодалайди.

Билимларни бошқариш концепцияси эса ички бошқарув жараёнларини мавжуд ички корпоратив билимлар тизимига мақсадли таъсир ўтказиш орқали шакллантиришни назарда тутди. Бунда ички ташкилий билимлар тизими стратегик бошқарув объекти сифатида қатнашади. Билимларни бошқариш концепцияси хўжалик юритувчи субъектнинг стратегик билимларини бошқаришга боғлиқ. Бунда стратегик бошқарув ҳисоби билимларни бошқаришда хўжалик юритувчи субъектнинг стратегик ва жорий хўжалик фаолиятини ўзаро боғлаб турувчи звено сифатида қатнашади.

Глобаллашув ва халқаро миқёсда рақобат муҳитининг тобора кескинлашиб бориши шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект доирасида билимларни жамлаш, яратиш ва уларни кенгайтириб бориш стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишдаги самарани белгилаб берувчи энг муҳим омил бўлиб қолади, деб ҳисоблаймиз. Бошланғич босқичда бизнес-жараёнлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш амалга оширилади. Шундан сўнг бундай ахборотлар профессионал экспертизадан ўтадиган таҳлилий маълумотларга трансформация қилинади. Кейинчалик уларнинг янги ташкилий билимлардаги трансформацияси олдин олинган бошқарув ахборот тизимида корпоратив стратегия ва рақобат муҳити ҳақида олинган маълумотларни бирлаштиришни амалга оширади. Яқунловчи босқичда жамланган ташкилий билимлар стратегик қарорларни қабул қилишда ишлатилади.

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъектнинг “билим салоҳияти” ҳисоб маълумотларининг билимга трансформация қилиниши жараёнининг барча босқичларига ўз таъсирини кўрсатади ва пировард натижада сўнгги босқичда қабул қилинадиган стратегик бошқарув қарори самарасини белгилаб беради. Ушбу жараёнлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлишига қарамасдан айти пайтда улар бир-биридан мустақил ҳолда, ички ташкилий билимларда, ҳисоб маълумотларининг узлуксиз трансформация жараёнини амалга ошириб, тадбиқ қилинади.

Хўжалик юритувчи субъект стратегик мақсадига эришишда моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари етарлича бўлиши - ютуқларнинг муҳим омили, шу билан бир қаторда, шу хўжалик юритувчи субъектда шаклланган муҳим корпоратив муомала тамойиллари, корпоратив ноу-хау, инновацион технологиялар даражаси, интеллектуал салоҳият даражаси, шунингдек

рахбариятнинг (менеджерларнинг) ва мутахассис-ходимларнинг стратегик фикрлай олиш даражаси, уларнинг маҳорат даражалари ҳамда коллективдаги кадриятлар, қарашлар, урф-одатлар ва корпоратив маданият даражаси ҳам катта роль ўйнайди ва бу кўрсаткичлар таъсири албатта ҳисобга олиниши керак, деб ҳисоблаймиз. Ана шу омиллар ичида ноанъанавий табиатга эга бўлган омиллар, аниқроғи хўжалик юритувчи субъектнинг билим салоҳиятини ифодаловчи моддаларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Хўжалик юритувчи субъектнинг билим салоҳиятини ташкил қилувчи кўрсаткичлар ўлчами алоҳида ёндашув ва ҳисоб-китобларни талаб қиладиган моддалардан иборат. Бизнинг фикримизча, мазкур йўналишдаги энг муҳим масала – бу хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ривожлантириш бўйича стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фақат иқтисодий маълумотлар мажмуасини ҳисоблаш ва таҳлил қилишдан ташқари кўшимча тарзда хўжалик юритувчи субъектнинг умумий билим даражасини ифодаловчи кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олиш, энг асосийси, улар иқтисодий кўрсаткичлар билан боғланиши, тўлдирилиши, шундан сўнг якуний қарор уларга асосланиб қабул қилиниши керак.

Биз билимларни динамик концепция сифатида кўрамыз – стратегик бошқарув ҳисоби тизимида нафақат уларнинг мустаҳкамланиши, балки уларнинг доимий янгилиниши, долзарблашуви ва тақдим қилиниши содир бўлади. Бунда, стратегик бошқарув ҳисобининг янги ахборот алоқаларини юзага келтирувчи ва мос равишда стратегия ҳақидаги янги билимларни шакллантирувчи тизим сифатида корпоратив бошқарувнинг умумий доирасига муқаррар интеграцияланиши вужудга келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Boshgaruv hisobi: Darslik /A.X. Pardayev, Z.A. Pardayeva; - Т.: "Iqtisod-Moliya", 2019. -556 б.
2. Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари: Монография /У.У.Костаев: - Т.: "Iqtisod-Moliya", 2020. – 180 бет, 126-129 бетлар.